


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2022 йил 7 декабрь, № 262 (8324) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қирғизистон етакчисини таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, қардош Қирғизистон халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Олий даражадаги келишувларга мувофиқ Ўзбекистон — Қирғизистон яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Яқинда муҳим икки томонлама ҳужжатлар — Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисида шартнома ва Андижон сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисида битим имзолангани ва ратификация қилингани амалий ҳамкорликнинг чуқурлашишига, давлатларимиз ва бутун минтақанинг барқарор ривожланишига хизмат қилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, ўзаро савдо кўрсаткичлари ошиб бормоқда — йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард долларга етди. Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фонди ўз фаолиятини бошлади, саноат, энергетика, электротехника, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларда бир қатор кооперация лойиҳалари биргаликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли ва Қамбарота гидроэлектр станциясини қуриш бўйича йирик минтақавий лойиҳаларга фаол тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлат раҳбарлари бўлажак мулоқотларнинг кун тартибини сифат жиҳатидан бойитиш мақсадида савдо шартномалари ва инвестиция дастурлари портфелини кенгайтириш муҳимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРДА АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ОШИРИЛМОҚДА

**Президент Шавкат Мирзиёев нотариал жараёнларда аҳолига қулайликларни оширишга оид тақдимот билан танишди.**

Бугунги кунда нотариусларда давлат божи ставкалари жуда кўп тоифаларга ажратилгани сабабли уларни ҳисоблашда ноқулайликлар туғилмоқда. Хусусан, автомототранспорт воситалари билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаш учун давлат божи 12 та, кўчмас мулк, гаров, ипотека ва лизинг шартномалари бўйича 6 та тоифага бўлинган.

Шу боис давлатимиз раҳбари нотариал ҳаракатлар тизимини соддалаштириш ва аҳолига қулайликларни ошириш вазифасини қўйган эди. Шунга асосан "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божларининг ставкалари оптималлаштирилмоқда.

Масалан, ҳозирда давлат божи ставкаларини ҳисоблашда уй-жойнинг майдонига, автомототранспорт воситаларининг двигател қуввати ва ишлаб чиқарилган йилига қаралади. Энди бу борадаги тоифалар қисқартирилиб, ставкалар бирхиллаштирилмоқда, айримлари камайтирилмоқда.

Жумладан, кўчмас мулк бўйича олди-сотди шартномаларини нотариал тасдиқлаш учун давлат божи, унинг майдонидан қатъи назар, Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, бошқа жойларда 0,5 баравари миқдорида, энг паст ставкада белгиланмоқда.

Гаров, ипотека, лизинг ва қарз шартномаларини нотариал тасдиқлаганлик учун табақалашган божлар бирхиллаштирилиб, ягона ставка ўрнатилмоқда.

Автотранспорт олди-сотдисини нотариал тасдиқлашда, двигател қуввати ва ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, бир хил ставкада — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорида бож ундирилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, мол-мулкни ижарага бериш ёки ундан текин фойдаланиш, автомототранспорт бўйича ишончнома бериш каби келишувларни нотариал тасдиқлаш учун бож миқдори камайтирилмоқда. Фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия таъминотига нисбатан меросхўрга гувоҳнома бериш учун давлат божи бекор қилинмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши нотариал жараёнларни осонлаштиришга, турли ноаниқлик, низо ва коррупция ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади. Йилига 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ аҳоли ихтиёрида қолади.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 11 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг 13-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13) чет эл тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун»;

2) **11-модда 5-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари, иш ҳақи суммалари, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пул маблағлари учун»;

3) **16-модданинг**:

**тўртинчи қисми** «давлат органлари ва ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисми** «давлат органлари ва ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

(Давоми 2-бетда).

**Конференция**

## ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ

*Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида "Зўравонликка қарши курашни институционализация қилиш. Медиада гендер сезгир образларни яратиш" мавзуида тажриба ва билим алмашишга йўналтирилган халқаро конференция ўтказилди.*

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева, БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женевадаги ваколатхонаси бош директори Татьяна Валовая, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижро этувчи аппаратининг Коммуникациялар ва ахборот сиёсати бўйича шуъба мудири Саида Мирзиёева, БМТ доимий координатори вазифасини бажарувчи ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Шарлотта Адриан, тегишли давлат органлари ва нодавлат сектор вакиллари, халқаро ташкилотлар экспертлари, шунингдек, ОАВ вакиллари ва блогерлар иштирок этди.

Конференцияда гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш зарурати, аёллар ҳуқуқларини институционал ҳимоя қилишда хотин-қизлар масалалари бўйича тегишли қўмитанинг роли, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари томонидан аёлларни ҳимоя қилиш механизмлари каби долзарб масалалар кенг муҳокамадан ўтказилди.

Т. Норбоева ўз сўзида, аввало, таълим соҳасидаги вазифаларга эътибор қаратди.

— Таълим тизими барча босқичида — боғчадан бошлаб то олий таълим тизимигача узвийликни таъминлаган ҳолда, бир-биримиз билан яқин ҳамкорликда ўқув жараёнида гендер тенглиги, зўравонликка муросасизлик, барқарор ривожланиш мақсадларининг бошқа йўналишларини болаларимиз онгига қизиқарли дастурлар орқали сингдириб боришни йўлга қўйишимиз керак. Ана шунда ҳар томонлама етук инсонларни тарбиялашга эришамиз, ана шунда бизга реабилитация марказлари, "Ишонч телефонлари" керак бўлмай қолади, — дея таъкидлади Сенат Раиси.

Тадбир иштирокчилари томонидан ОАВ фаолиятида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги кафолатларини таъминлаш, шу жумладан, гендер кадрлар тенглигидан ахборотни тақдим этишгача бўлган барча нуқтаи назарлар кўриб чиқилди.

Конференция доирасида Ўзбекистонда зўравонликка қарши курашиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИГАН ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА

### ФИКРЛАР ХИЛМАХИЛЛИГИ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ ЖУДА ЗАРУР

*Парламентда қизғин баҳс-мунозаралар олиб борилиши, фикрлар хилмахиллиги электорат манфаатларини ифода этадиган қонунларни қабул қилишда муҳим саналади. Қолаверса, бу сиёсий партиялар фракциялари ўртасида соғлом рақобат бўлишини таъминлашга ҳам хизмат қилади.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини ана шу нуқтаи назардан қизғин муҳокама этишди. Конструктив фикрлар билдирилди, асосли таклифлар илгари сурилди.*



### Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш тартиби белгиланади

Мажлисда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжатда коррупцияга қарши экспертиза ўтказадиган органлар ва уларнинг ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупциявий омиллар, коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш тартиби ўз аксини топмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий экспертиза доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, муҳокамаси жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси, коррупцияга қарши экспертиза ўтказилиши мажбурий бўлган соҳаларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, коррупцияга қарши мустақил экспертиза каби нормалар назарда тутилмоқда.

➡ 2

**Халқаро форум**

## ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР, АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАР

*Самарқанд шаҳрида 5-6 декабрь кунлари "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" глобал форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилган ташаббус асосида ўтказилган нуфузли анжуманда халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар вакиллари, экспертлар, депутатлар, ҳуқуқшунослар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари масъуллари қатнашди.*

Форумнинг иккинчи кунги ялпи мажлисида ЮНЕСКО бош директорининг таълим масалалари бўйича ўринбосари Стефания Жанни ҳамда Парламентлараро Иттифоқ президенти Дуарте Пачеко иштирокчиларга видеомурожаат йўллади. Шунингдек, бутун дунёда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ёш педагоглар тажрибасини оммалаштиришга қаратилган ҳужжатли лойиҳа муҳокама қилинди.

Тадбирда қайд этилганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тизимини халқаро, минтақавий ва миллий даражаларда такомиллаштириш зарур. Шу нуқтаи назардан, глобал форумнинг учинчи ялпи мажлиси бу борадаги илғор тажрибалар тўғрисида ахборотлар алмашиш ва шу асосда амалий тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланди.

➡ 3

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

## УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМ

*Конституция барча жорий қонунларнинг асоси, бош манбаи ҳисобланади. Ушбу ҳужжат ҳар қандай мамлакатнинг давлатчиликдаги муҳим белгиси саналиб, мазкур давлат ҳамда жамиятнинг умумий манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган қонунларига асосий воситачи, ўзак-негизи вазифасини ўтаб беради.*




Бош қомусимиз тарихан синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Асосий Қонунимиз энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Шу билан бирга, Конституциямиздан халқимизнинг узоқ ўтмиш даврлардан буён шаклланиб келаётган миллий тафаккури, муқаддас қадриятлари ўз аксини топган, халқимиз кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улуғ хислатлар ўрин олган.

Бу йил Конституциямиз қабул қилинганининг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ўтган давр мобайнида республикамиз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, ислоҳотлар, қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги бевосита Конституциямизга боғлиқлиги, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуришда ҳукуматимизнинг Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунларга монанд фаолият олиб бораётганлиги, мустақиллигимиз билан бир қаторда, Конституциямизнинг ҳам қабул қилинганлиги ҳар йили нишонланиши бежиз эмас, албатта.

Конституциямизда фуқароларимизни нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатиш, яшаш ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, мулкдор бўлиш, ишлаш, дам олиш, билим олишлиги кафолатланган. Яъни бу жиҳатлар бизга "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу тамойил асосида бошланган демократик ўзгаришлар самарасини янада тезроқ ўз ҳаётимизда ҳис қилиш имконини беради.

➡ 3

## УЗОҚ МУДДАТЛИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

*Ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз қабул қилинганининг 30 йиллиги арафасидамиз. Конституция истиқлол йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётир. Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди.*

Амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инсон қадрини улуғлаш, халқпарвар ижтимоий давлат барпо этиш ҳамда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашдир. Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган янги Ўзбекистонда бу йўлда қисқа муддатда улкан ютуқлар қўлга киритилгани қувончлидир.

Юртимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, диний эркинликларнинг кенгайтирилгани, мансабдорларнинг доимий ҳисобот бериб бориши, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган талабларнинг белгиланганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган ҳурматнинг янги босқичга кўтарилганлиги, аҳолининг қанчадан-қанча мушкули осонлашгани каби бир қатор мисоллар ҳам шулар жумласидандир.

Келгуси ислоҳотларда эса мана шу эришилган натижаларни янада юксалтириш, инсон учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсад қилинган.

Асосий Қонунни бугунги реал воқеликка, шиддатли ислоҳотлар мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда. Конституциявий ислоҳотлар натижадорлигини таъминлаш ва халқчил ислоҳотларни давом эттириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 9 та устувор йўналиш белгилаб берилди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4) **илованинг**:
**4-банди**:
«**а**» **кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | |
|---|---|
| «а) кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаганлик учун | |
| агар кўчмас мол-мулк Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида жойлашган бўлса | – БҲМнинг 1 баравари |
| агар кўчмас мол-мулк бошқа аҳоли пунктларида жойлашган бўлса | – БҲМнинг 50 фоизи |
| **Изоҳ.** *Мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига кўчмас мол-мулкни ўтказиш билан боғлиқ шартномалар расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.* »; | |

«**г**», «**д**» ва «**е**» **кичик бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | |
|---|---|
| «г) мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ёки унга ўзгартишлар киритганлик учун | |
| мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига | – БҲМнинг 10 фоизи |
| жисмоний шахслар учун | – БҲМнинг 25 фоизи |
| юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса | – БҲМнинг 50 фоизи |
| **Изоҳ.** *Мол-мулкни ижарага бериш шартномасини бекор қилганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.* | |
| д) мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун, бундан «п» кичик бандда белгиланган ҳоллар мустасно | – БҲМнинг 25 фоизи |
| е) гаров, ипотека ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун | |
| жисмоний шахслар учун: | – БҲМнинг 1 баравари |
| юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса | – БҲМнинг 2 баравари |
| **Изоҳ.** *Гаров, ипотека ва лизинг шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битимлар расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.* »; | |

«**з**» **кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | |
|---|---|
| «з) қарз шартномаларини тасдиқлаганлик учун | – БҲМнинг 25 фоизи |
| **Изоҳ.** *Қарз шартномасига ўзгартишлар киритганлик ёки уни бекор қилганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.* »; | |

«**о**» ва «**п**» **кичик бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | |
|---|---|
| «о) автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади | |
| автомототранспорт воситалари учун | – БҲМнинг 3 баравари |
| битта мототранспорт, мотоаравача, мотоқайиқ учун | – БҲМнинг 25 фоизи |
| **Изоҳ.** *Айирбошлаш шартномаси расмийлаштирилаётганда давлат божи фақат бир автомототранспорт воситаси учун ундирилади.*<br>*Қуйидаги шартномаларни расмийлаштиришда:*<br>*мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига автомототранспорт воситаларини ўтказиш шартномалари расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади;*<br>*банк кредитлари ҳисобига сотиб олинадиган автомототранспорт воситаларининг олди-сотдиси учун давлат божи белгиланган ставканинг 10 фоизи миқдорида ундирилади;*<br>*йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари расмийлаштирилаётганда давлат божи миқдори шу транспорт воситалари яроқлилигининг қолдиқ фоизига қараб ўзгартирилади ҳамда унинг миқдори битим тарафларининг хоҳишига кўра ва нотариуснинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган ҳудудларда эса – «Ўзавтотеххизмат» масъулияти чекланган жамияти ташкилотлари томонидан белгиланади.* | |
| п) автомототранспорт воситаларини бошқаришга ва тасарруф қилишга оид ишончномаларни, шунингдек автомототранспорт воситаларидан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун | |
| мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-онасига, болаларига ва уларнинг эрига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига, жиянларига | – БҲМнинг 50 фоизи |
| бошқа шахсларга | – БҲМнинг 2 баравари »; |

«**ф**» **кичик бандининг изоҳи** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«*Қарз шартномасидан келиб чиқадиган пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ижро варақаларини берганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади*»;

**18-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| | |
|---|---|
| «**18. Чет эл фуқаролари иштирокидаги никоҳларнинг тузилганлигини, шунингдек никоҳларнинг бекор қилинганлигини рўйхатдан ўтказганлик учун:** | |
| Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл фуқаролари билан никоҳларини, шунингдек чет эл фуқароларининг ўзаро никоҳларини рўйхатдан ўтказганлик учун | – БҲМнинг 2 баравари ». |

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 6 декабрь
№ ЎРҚ—808

## Мулоқот

# МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимовнинг БМТ Қочқинлар бўйича олий комиссари бошқармаси Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси раҳбари Х. Шоддер билан учрашуви бўлиб ўтди.*

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган идоралари, жумладан, БМТ ҚБОК билан ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Х. Шоддер Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланиш асосларини мустаҳкамлашдаги фаол ва бунёдкорлик позициясини, БМТ ҚБОК миссияси лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга кўрсатаётган ёрдами ва қўшган амалий ҳиссасини юқори баҳолади.

БМТ Қочқинлар бўйича олий комиссарлиги минтақавий бошқармаси бошлиғи Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги сезиларли ўсиш, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Учрашув якунида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

**«Халқ сўзи».**

## Анжуман

# ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ИСТИҚБОЛЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Гулнора Маъруфова Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” субминтақавий платформаси ишида иштирок этди.*

Субминтақавий платформанинг мақсади БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш бўйича халқаро мажбуриятлар ва Миллий ҳаракат режаларининг бажарилиши бўйича ахборот алмашиш, инсон хавфсизлигига ўсиб бораётган хавфларни, шу жумладан, гуманитар инқирозлар оқибатларини бартараф этиш бўйича умумий ёндашувларни аниқлашдан иборат.

Платформа асосий манфаатдор томонларга минтақадаги “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” кун тартибини амалга оширишни тезлаштириш ҳамда аёллар иштирокини рағбатлантириш учун қўшма ҳаракатлар ва ечимларни ишлаб чиқиш учун минтақавий устуворликлар, муаммолар ва трансчегаравий истиқболлар ҳақида фикр юритиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари юртимизда хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини юксалтириш, гендер тенглигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумотлар беришди.

Хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларнинг жамоат ва сиёсий ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш учун барча зарур шарт-шароит яратилгани, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқлангани, барча қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизаси жорий этилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИГАН ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА

## ФИКРЛАР ХИЛМАХИЛЛИГИ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ ЖУДА ЗАРУР

1 Мажлисда таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга йўл очади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

### Адвокатларни инсон омилисиз электрон тизим орқали танлаш тартиби жорий қилинади

“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси 5 та боб, 32 та моддадан иборат бўлиб, унда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятларини ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доирасини кенгайтириш назарда тутиляпти.

Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритишни ва унга адвокатларни киритишнинг очиқ ва шаффоф механизмларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилисиз электрон тизим орқали танлаш тартибини жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг шаффоф тартибини жорий этиш, давлат томонидан ушбу мақсадда ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан самарали назоратни ўрнатишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Радиочастота спектридан биргаликда фойдаланиш амалиёти қандай?

Мажлисда “Радиочастота спектри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси радиочастота спектридан фойдаланишда хавфсизлик ва самарадорлик шароитларини таъминлаш, ахборот узатиш, шу жумладан, ўта муҳим ахборот муҳитида — телерадиоэфирда ахборот хавфсизлиги даражасини ошириш имконини беради.

Шунингдек, тегишли давлат органлари ва радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг жавобгарлигини ошириш ҳисобига радиоэлектрон воситаларнинг барқарор ишлаши учун шароит яратилади. Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, давлат ташкилотлари ва бошқа радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг фаолиятини ҳам қонунчилик асосида муҳофаза қилиш имконини яратади.

Радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, радиочастоталарни режалаштириш, тайинлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланади.

Эътиборлиси, радиочастота спектридан биргаликда фойдаланиш амалиёти қўлланилиши орқали юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига чегараланган давлат ресурсидан биргаликда фойдаланиш имконияти яратилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Солиқнинг ўрнини қоплаш муддатлари 60 кундан 30 кунгача қисқартирилмоқда

“Камерал солиқ текшируви тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хорижий валютадаги тушумни кечиктириш ҳолати учун қўлланиладиган молиявий жарима миқдори 2 баравар камайтирилди, касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик ҳамда дебитор ва кредитор қарздорликлар муддатини ўтказиб юборганлик учун маъмурий жарима қўллаш бекор қилинди.

Шунингдек, ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат касса техника чекларида олинган товарлар номенклатурасида мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттирганлик учун молиявий жарима қўлланилмайдиган бўлди. Бугунги кунда ҳисобварақ-фактураларни ва солиқ ҳисоботларини фақат электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий этилган бўлиб, ҚҚС, акциз, айланмадан олинадиган ва ер солиқлари бўйича ҳисоботлар шакллантирилишининг деярли 90 — 95 фоизи автоматлаштирилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг 138-моддасига, хусусан, ўрни қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси асослантирилганлигининг камерал солиқ текширувини ташкил этиш ҳамда 274-моддасининг учинчи қисмига, яъни солиқнинг ўрнини қоплаш муддатлари 60 кундан 30 кунгача қисқартирилиши назарда тутилмоқда.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари суд томонидан самарали ҳимояланади

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Таъкидланганидек, аҳолидан келиб тушаётган таклифларни инобатга олиб, судга мурожаат қилишни янада эркинлаштириш, аҳолининг одил судловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида давлат органи қарори, мансабдор шахс ҳаракати устидан судга шикоят қилиш муддатини 3 ойдан 6 ойгача узайтириш зарурати вужудга келмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишнинг уч ойлик муддатини олти ойга узайтириш назарда тутиляпти.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд орқали самарали ҳимоя этилишини таъминлашга, турли сабабларга кўра вақтида шикоят қилолмаган тарафларнинг суд қарори устидан шикоят бериш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### Парламент сўровига вазир жавоби

Мажлисда депутатлар “Ҳудудларда ёшлар технопаркларини янада ривожлантириш, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига инновацион ривожланиш вазири И. Абдураҳмоновнинг жавобини кўриб чиқдилар.

Парламент сўровига юборилган жавобда қайд этилганидек, ёшларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини намоён қилиши ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида республика ҳудудларида ёшлар технопарклари ҳамда бошқа бир қатор инновацион инфратузилмалар фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда.

Хусусан, 2022 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Навоий вилоятларида умумий қиймати 42,8 млрд. сўм бўлган 6 та ёшлар технопарки биноси барпо этилди. Ҳозирги кунда улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати 8,9 млрд. сўмлик Нукус ёшлар технопарки фаолият кўрсатяпти. Жорий йил август ойидан бошлаб ушбу технопарк томонидан 132 нафар ёш қамраб олинган бўлиб, улар ўз ғоялари ва стартап лойиҳалари устида иш олиб боряпти. Қолаверса, инновацион инфратузилмалар миқёсида стартап лойиҳалар танловига Нукус ёшлар технопарки томонидан 6 та стартап лойиҳаси топширилган.

Сирдарё вилоятида ҳам умумий қиймати 7,8 млрд. сўмлик Сирдарё ёшлар технопарки биносида қурилиш ишлари якунланиб, “Сирдарё вилояти Ёшлар технопарки” МЧЖ ташкил этилган. Ушбу бинода 12 нафар ходим фаолият олиб бораётир.

Парламент сўровида келтирилганидек, 2019 йилда республикамизнинг барча ҳудудидаги иқтидорли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилган.

Мажлисда депутатлар парламент сўровига юборилган жавобни атрофлича муҳокамадан ўтказиб, уни маълумот учун қабул қилдилар.

### IT сертификатларини олиш учун 50 фоизгача харажатлар қоплаб берилди

Шунингдек, мажлисда “Ҳудудларда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парклари, рақамли технологиялар ўқув марказларини янада ривожлантириш, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Шерматовнинг жавоби кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ҳудудларда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркларининг, шу жумладан, Ҳиндистоннинг илғор тажрибаси асосида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича салмоқли ишлар қилинган.

Хусусан, ҳозирги кунда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг фаолияти республиканинг барча вилоятларини қамраб олган бўлиб, уларга IT-паркнинг расмий вакиллари тайинланган.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги тегишли Фармонига мувофиқ, 2020 — 2022 йилларда республика бўйлаб IT-паркнинг замонавий инфратузилмага эга 7 та биноси қурилгани ҳолда, филиаллари ташкил қилинди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 августдаги қарорига асосан эса 2023-2024 йилларда республиканинг қолган ҳудудларида шу каби IT-парк филиалларининг замонавий бинолари қурилишлари якунига етказилиши кўзда тутилган.

Жорий йилдан бошлаб республика ҳудудларида масофавий хизматлар экспорти марказлари йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда республика бўйлаб 15 та шундай марказ очилди. Ушбу марказлар яратилиши натижасида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида IT-хизматлар экспорти улушининг ўсиши, ҳар йили республика бўйича 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши таъминланади.

Амалга оширилаётган ишлар туфайли жорий йилнинг 9 ойида IT-парк резиденти мақомига эга бўлган IT-компаниялар сони 896 тага етказилган бўлиб, улар томонидан кўрсатилган IT-хизматлар ҳажми 3,6 трлн. сўмни, уларнинг экспорти ҳажми эса 82 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Парламент сўровига келган жавобда айтилганидек, халқаро IT-сертификатига эгалик қиладиган 14 — 30 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг улушини ошириш юзасидан ҳам улкан ишлар қилинган.

Мажлисда депутатлар парламент сўровига юборилган жавобни атрофлича муҳокама этиб, уни маълумот учун қабул қилдилар.

**«Халқ сўзи».**

## Семинар

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?



*Куни кеча Самарқандда “Ўзбекистонда иқлим бўйича маълумотлар ва хизматларнинг иқлим хавфларини бошқаришдаги роли” мавзуида маслаҳат семинари бўлиб ўтди.*

Тадбир Сув ресурсларини бошқариш институти (IWMI), ICARDA, CGIAR, Alliance of Bioversity International ва IFPRI каби ташкилотларни ўз ичига олган Халқаро қишлоқ хўжалиги институтлари ягона маслаҳат гуруҳи ташаббуси доирасида Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилинган.

Семинар давомида мутахассислар томонидан Ўзбекистон иқлим ўзгариши кучли таъсир этувчи давлатлар сирасига кириши, ресурсларни тежаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаса, келажакда мамлакат сув ресурслари тақчиллиги, чўлланиш ва ер деградациясига дуч келиши, натижада иқлим ўзгариши кучайишига олиб келиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, иштирокчилар Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг салбий таъсири шароитида фаолият юрита оладиган барқарор агро-озиқ-овқат тизимларини яратиш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув ресурсларини сақлашга кўмаклашадиган илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш, чўлланиш ва ер деградацияси, қурғоқчилик жараёнларини секинлаштириш ва ресурсларни тежовчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигида инновация ва рақамли воситаларни кенгайтириш дастурини амалга ошириш каби масалаларни муҳокама қилишди.

Семинар якунида билдирилган таклифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМ

1 Дарҳақиқат, Президентимизнинг тегишли Фармонига асосан, 2017 — 2021 йилларда мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантириш, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биргина биринчи йўналишда давлат ҳамда жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ қилиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш масалалари амалга оширилди.

Унга кўра, Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган халқ билан мулоқот тизими муҳим роль ўйнаганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки айнан Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган ишларни амалга ошириш жараёнида давлат органларининг аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилди, йилдан-йилга шаффофлик ортиб борди, бу эса ўз-ўзидан аҳолининг давлат органларига нисбатан муносабатини тубдан ўзгартирди, унинг фаоллиги, ислоҳотларга ишончи ва дахлдорлигини кучайтирди.

Қолаверса, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Халқ қабулхоналари ҳамда Президентнинг виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Улар аҳоли билан бевосита мулоқотни, тезкор жавоб беришни ва жойларда муаммолар ҳал этилишини таъминлаб келмоқда. 2017 йилдан 2020 йилгача улар орқали 10,1 млн. мурожаат ўрганилиб, ижобий ҳал қилинган. Шунинг баробарида бюрократияга қарши курашиш натижасида давлат хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сони 2 баробар (167 дан 79 гача) қисқартирилди. 4 йил ичида “Ягона дарча” тамойили асосида тақдим этиладиган хизматлар сони 10 баробар (16 дан 157 гача) ошди.

Қолаверса, 2017 йил 12 декабрда Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, ҳар бир туманда, мамлакат бўйича жами 205 та Давлат хизматлари маркази фаолиятининг тизимли йўлга қўйилиши ҳам халқчил жамиятни ривожлантириш мақсади билан уйғунлашган, дейиш мумкин.

Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида экани мустаҳкамланган. Шу асосда мамлакатимизда кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда юртимизда 11 йиллик мажбурий мактаб таълими қайта жорий этилди. Натижада 2017 — 2020 йилларда 328 та янги мактаб барпо қилинди ва 11 йиллик мажбурий мактаб таълими тикланди.

Мактабгача таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. 2016 йилда 5,2 мингта боғча фаолият юритган бўлса, 2020 йида улар 18,3 мингга етди (шу жумладан, давлат боғчалари сони 5 мингдан 6,2 минггача ошди). Болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши даражаси 2020 йилда 61 фоизга етди, 2016 йилда эса 27,7 фоиз бўлган эди. Муҳими, олий таълимга қамров сони ва фоизи кўпайиб, бугунги кунда 25 — 30 фоизни ташкил этмоқда.

Мактабгача таълимни ривожлантириш давлатнинг асосий устувор вазифаларидан бири сифатида кўрилмоқда. Мактаб таълим тизими, унинг бепуллиги ва мажбурийлиги масаласи ҳам Бош қомусимизнинг асосий моддалари сифатида белгилаб қўйилиши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бугун халқ таълими соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, халқ таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган Президентнинг 17 та Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 44 та қарори қабул қилинди. Давлат раҳбарининг 2019 йил 29 апрелдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Мазкур концепция асосида 2021 йилга келиб барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Бу замонавий дунёда замонавий таълимни ташкил этишнинг моддий технологияларни қўллаш борасидаги муҳим талабининг рўёби ҳисобланади.

Таълимдаги ислоҳотларнинг кейинги босқичи олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳисобланиб, тизимни такомиллаштириш бўйича охирги йилларда салмоқли ишлар бажарилди, десак, муболаға эмас. Умуман, таълим олиш ва унинг бепуллиги, давлат назоратида эканлиги масаласи бежиз Асосий Қонунимизнинг дастлабки моддаларидан бири сифатида олинмаган. Зеро, таълимни ривожлантириш масаласи жамият барқарорлиги кафолати бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Конституциямизда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ҳамда меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бу борада янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ислоҳотлар ҳаётийлигини таъминлашда 2018 йили фуқароларнинг ҳуқуқлари ва тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги)ни кўриб чиқиш учун маъмурий судлар тузилди. Маъмурий судлар томонидан 2021 йилнинг сентябрига қадар 68 мингта ариза кўриб чиқилиб, 44,3 мингтаси қондирилди, хусусан, ҳокимларнинг 5,3 мингта қарори ноқонуний деб топилди.

2017 — 2020 йилларда республиканинг ташқи савдо айланмаси 1,4 баробар ўсди, инфляция даражаси 18,8 фоиздан 11,1 фоизгача пасайди, олтин-валюта резервлари 26,4 млрд. доллардан 34,9 млрд. долларгача ошди.

Ўзбекистон барча экспорт қилинадиган товар ва хизматлар бўйича божхона божларини бекор қилди, экспорт ва лицензиялаш тартиби амалларини соддалаштирди, 60 фоиз импорт қилинувчи товарлар учун божхона божларининг “ноль” ставкаларини белгилади ва импорт божхона божлари ставкаларини 6,45 фоизгача камайтирди. Ислоҳотлар натижасида кичик бизнес сектори сезиларли даражада ўсди: 2016 йилда республикада 27 минг, 2020 йилда эса 93 минг кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилди. Айниқса, пандемия шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Юқоридаги фикрлардан, таҳлиллардан шу жиҳат аниқлашадики, давлатнинг Бош қомуси жамиятда, янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган барча соҳадаги туб ислоҳотларда муҳим асос ва йўналтирувчи куч вазифасини ўтаб беради. Бунинг учун бугунги ёш авлод, келажак ворислари унинг моҳияти ва асосини пухта ўзлаштириб олган ҳолда ижтимоий кўникмаларга эга бўлиб бориши талаб этилади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Бош қомусимиз, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди. Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий Қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

Умуман олганда, жамиятимизда, фуқароларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу эса янгиланаётган Ўзбекистонда ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигига ҳамоҳангдир.

**Азамат МУХТОРОВ,**
**ТДИУ профессори, фалсафа фанлари доктори,**
**Ваҳоб ҚЎЧҚОРОВ,**
**ТДИУ профессори, сиёсий фанлар доктори.**

# УЗОҚ МУДДАТЛИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ



1 Манзилли ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш доирасида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Конституциявий қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида маромига етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ислоҳ этишдан кўзланган асосий мақсад “Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислоҳотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдириб, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида амалий ҳаётимизнинг бош қадриятига айлантиришдир.

Янгиланаётган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва ишончли кафолат бўлади. Зеро, Ўзбекистон халқи Конституцияга киритиш таклиф этилаётган янги норма ва қоидалар моҳиятини ҳис қилиб, режалаштирилаётган сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб, ўзининг холис ва ҳаққоний муносабатини билдириб келмоқда.

Қолаверса, сўнгги йиллардаги ислоҳотлар Президентимизнинг “Халқ — қонун ижодкори” ғоясининг ҳаётийлиги ва замонамиз талабига қанчалик мослигини рўйирост намоён қилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича кенг жамоатчиликдан, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтлари ва миллий-маданий марказлар, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллалар аҳолисидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан минглаб таклифлар келиб тушгани ва тушаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Бу эса халқимиз Конституциямиз ва қонунларимиз ўзгаришидан манфаатдор эканлигини намоён этмоқда.

**Дилором ИМОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

*Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, иқтисодиётимизнинг асосий драйвери бўлган нефть-газ, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва бошқа соҳалар билан боғлиқ саноат тармоқлари кенг ривожланмоқда.*



Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётгани, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намоён бўляпти.

Айниқса, Бош қомусимиз билан белгиланган ҳар қайси йўналишда мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларни сўз билан ифодалаб бериш қийин.

Зеро, кейинги йилларда мамлакатимизда саноат соҳасига доир кўплаб қонунлар, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги, “Транспорт тўғрисида”ги, “Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги бир қатор қонунлар шулар жумласидан.

Албатта, мазкур соҳага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, у ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Саноат тармоғининг иш билан бандликни оширишдаги яна бир муҳим хусусияти қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратишдаги фаоллиги ҳисобига юзага чиқади. Яъни қайта ишловчи корхоналарнинг кўпайгани ва қўшимча қийматнинг ортгани сари саноатда ҳам банд бўлган ходимлар сони ортаверади.

Бундан кўринадики, қўшимча қиймат ва қайта ишлашнинг ўсиши билан саноатда банд бўлган ходимлар сонининг ўзгариши ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд. Саноат жаҳон иқтисодиётида иштирок этаётган давлатларнинг иқтисодий интеграцияси жараёнларини мувофиқлаштириш ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам беради.

Умуман олганда, Конституциямиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимизнинг фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди.

Ишончим комилки, Асосий Қонунимиз миллий манфаатларимиз, истиқлолимиз ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаверади.

**Акшагул ТУЛЕГЕНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР, АМАЛИЙ ЁНДАШУВЛАР

1 Тўртинчи ялпи мажлисда эса иштирокчиларнинг таклиф, тавсиялари асосида 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган якуний ҳужжат — “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси” қабул қилинди. Глобал форумнинг ёпилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги Инсон ҳуқуқлари таълими бўйича минтақавий вакили вазифасини бажарувчиси Фабио Пиана дастурда кўзда тутилган тадбирлар муваффақиятли ўтгани, муҳим таклиф ва ташаббуслар билдирилганини таъкидлади.

Глобал форум якунлари асосида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси”да инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни самарали амалга ошириш бўйича халқаро ҳамжамият, миллий ҳукуматлар, ўқув ва илмий муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари олдида турган вазифа, таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топди. Ялпи мажлис ва сессияларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш натижалари муҳокама қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича қўлга киритилган энг самарали тажриба ва амалиётни ўрганиш, тарғиб қилиш ва жорий этиш ҳолати ҳамда имкониятларига баҳо берилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичи асосий йўналишлари бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

“Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим” глобал форуми доирасида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони совриндорларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу мукофот инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш ишига салмоқли ҳисса қўшган фуқаролар, ташкилотларни моддий, маънавий рағбатлантириш, амалга оширилган ишлар намунасини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2020 йил таъсис этилган.

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият олиб бораётган ташкилотлар ҳам тақдирланиши мумкин. Ҳар йили 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари куни арафасида кўкрак нишони ва махсус гувоҳнома тантанали тарзда топширилади. Жорий йил ушбу мукофотга 6 нафар ҳамюртимиз, 2 нафар чет эл фуқароси ва 2 нодавлат нотижорат ташкилоти сазовор бўлди.

Форум тадбирлари доирасида Самарқанд давлат университетида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Машғулотлар Ўзбекистон олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун инсон ҳуқуқлари фанидан сабоқ бериш бўйича намунавий дарслар ташкил этиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Маърузачилар ҳуқуқни қўллаш кўникмалари, соҳадаги креатив ва инновацион ёндашувлар, халқаро, минтақавий ва миллий даражада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича олиб борилаётган ибратли амалиётга эътибор қаратдилар.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари ва қадриятларининг инсон, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилиши эътироф этилди. Таълим соҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, қонунчилик ва давлат органларининг амалий фаолиятига айни соҳадаги халқаро стандартларни тўлиқ имплементация қилиш механизмлари ҳамда тартиби самарадорлигини ошириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Машғулотларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида юридик йўналишда фаолият олиб борувчи 20 дан ортиқ олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларидан 6500 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар, прокуратура ходимлари, бакалавриат ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар, илмий фаолият билан шуғулланаётган ёш олимлар иштирок этди. Адлия тизимидаги 14 та юридик коллеж ўқувчилари маърифий-ҳуқуқий тадбирда фаол қатнашди.

Мухтасар айтганда, Самарқанд глобал форуми якунлари бўйича қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси”да бу йўналишдаги таълим ва тарбияни самарали амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топди. Зеро, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнида тўлақонли иштирокини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутади.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ХАВФСИЗЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ «ИММУНИТЕТ» ШАКЛЛАНИШИ ЛОЗИМ

*Таҳлиллардан маълумки, куз-қиш мавсумида талафотли, айниқса, инсонлар ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар бошқа фаслларга нисбатан кўпроқ содир бўлади. Шулардан бири ва энг аянчлиси, инсонларнинг ис газидан заҳарланиши ва газ-ҳаво аралашмаси чақнаши билан боғлиқ ҳолатлардир.*

## Бугуннинг гапи

Хўш, нима учун бундай нохуш вазиятлар мавсумда жуда кўп содир бўляпти? Бунга сабаб нималар? Бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Авваламбор, ис гази ўзи нима эканлигига изоҳ бериб ўтсак. Ис гази — (CO) рангсиз, ҳидсиз заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, кўмир, ўтин ва бошқа моддаларнинг тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3 фоиз, ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибида эса 50 — 60 фоизгача ис гази бўлади.

Ис газидан шамоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддаларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда, автоуловлар паркларида, янги бўялган ва шамоллатилмаган хоналарда, шунингдек, уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ва печка билан истиладиган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш палаткаларида ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиш мумкин.

Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма — карбоксигемоглобин ҳосил қилиб, оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасаяди ва гипокцияга, оғир ҳолатларда эса анокцияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик, ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш, иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш, газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари ҳамда суюлтирилган углеводород газ балонларини (анжомлари)ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш, ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланиш, ҳавони алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш сабабли юзага келмоқда.

Энг ёмони, айрим хонадон эгалари уйидан газ ҳиди чиқиб турганини билсада, уни тузаттириб қўйишга қунт қилмайди. Бундан ташқари, қўлбола ясалган печкалардан кўп фойдаланилади. Уларнинг “горелкаси” ҳам стандартга жавоб бермайди. Буни ўрнатиш техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўғри келмайди. Шу боис сертификатланган ва ҳимоя автоматикаси мавжуд печлардан фойдаланиш инсон учун хавфсиз бўлади.

Яна бир оддий ҳақиқат борки, кўча эшигини тақиллатиб, дудбурон-мўриконларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакили келса, “Энди булар етмай турувди, буларга нима керак экан?” дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида ушбу ташкилот вакиллари сизу бизнинг хавфсизлигимизни ўйлаб, дудбуронларни текшириш учун келишади. Бу пайтда вақтимизни аямай, зарур чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир.

Зеро, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бўладими, газ таъминоти вакиллари ми, дудбурон-мўриконга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бўладими ёхуд жамоатчилик вакиллари бўладими, ис газидан заҳарланишнинг олдини олишга қаратилган кўплаб профилактик ишлар олиб борсалар ҳам, агар истеъмолчиларнинг ўзлари ва яқинларининг шахсий хавфсизликлари учун мустаҳкам “иммунитет” шаклланмас экан, бундай бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш ҳолатлари давом этаверади.

Умуман олганда, ўзингиз, яқинларингиз соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлиги учун масъул эканлигингизни асло унутманг.

**А. АҲМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ бошлиғининг ўринбосари.**

## Дунё нигоҳи

# «ЎЗБЕК ШАХМАТ УСТАЛАРИНИНГ СИРЛАРИ»

*Дунёдаги машҳур шахмат платформаси — chess.com сайтида худди шу сарлавҳада мақола берилди. Унда Ўзбекистон шахмат усталарининг халқаро майдонда қайд этаётган муваффақиятлари ҳақида сўз юритилган. Мақола муаллифи — юртдошимиз, асли тошкентлик гроссмейстер Григорий Серпердир. У 1988 йилда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатида, 1989 йилда Европа чемпионатида, 1999 йилда шахмат бўйича жаҳон очиқ чемпионатида ғолиб чиққан. Бундан ташқари, Григорий Серпер 1992 йилда Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Шахмат олимпиадасида кумуш медални қўлга киритган. 1996 йилдан бери ватандошимиз АҚШда яшайди ва ёшларга шахмат сирларини ўргатиб келмоқда. У Америка шахмат федерацияси аъзоси ҳисобланади.*




Мақолада яқинда Исроилда бўлиб ўтган FIDE жамоавий жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шахматчилари фахрли иккинчи ўринни эгаллагани қайд этилган. Муаллифнинг таъкидлашича, Хитой шахмат бўйича ўзининг улкан салоҳиятини яна бир бор намойиш қилди. Аммо Ўзбекистон бу воқеанинг яна бир қаҳрамони бўлди. Ушбу муваффақият билан Олимпиада чемпионлари жаҳон шахмат элитасидаги ўз мавқеини янада мустаҳкамлади.

«Бундан роппа-роса етти йил аввал, 2015 йил мен ушбу сайтда қуйидаги таҳлилларимни эълон қилган эдим: бугун мен Ўзбекистонда Нодирбек Абдусатторов, Шамсиддин Воҳидов, Жавоҳир Синдоров ва бошқа янги истеъдодлар етишиб чиқаётганини кўриб турибман. Келажакда шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон шахмат оиласини яна лол қолдирса, ҳайрон бўлманг», деб ёзади муаллиф мақоласида.

Григорий Серпернинг қайд этишича, ўзбекистонлик гроссмейстерлар ўз ўйинларида рақиб хатоларидан унумли фойдаланиш орқали ўзбек заминига хос бўлган мумтоз усулда дона сурмоқда. Шу ўринда муаллиф бугунги кунда ўзига хос услубга эга бўлган истеъдодли ёш ўзбек шахматчилари катта муваффақиятларга эришаётганини таъкидлаган.

«Сизни яна бир ажойиб ёш шахматчи билан таништирмоқчиман. Мен гроссмейстер Нодирбек Ёқуббоев ҳақида гапиряпман. Кўпчилик бошқа машҳур Нодирбек Абдусатторовни билади, аммо Ёқуббоевда жаҳон гроссмейстери бўлиш учун ҳамма жиҳат бор. Унинг услуби мумтоз! Нодирбекнинг сўнгги икки ўйини менда катта таассурот қолдирди», дейди муаллиф.

«Ишончим комилки, ҳатто Акиба Рубинштейн (шахмат бўйича энг буюк стратеглардан бири) ёки Хосе Раул Капабланка (шахмат бўйича учинчи жаҳон чемпиони) каби афсонавий шахматчилар ҳам бундай ўйин кўрсатишдан фахрланган бўларди. Сабаби оддий: Рубинштейн ёки Капабланканинг аксарият рақиблари бу гигантлардан анча кучсизроқ бўлган, ўйинлар эса бир ёқлама эди. Айни пайтда Ёқуббоевнинг рақибларидан бири, гроссмейстер Евгений Томашевский бир пайтлар дунё рейтингида 13-ўринни эгаллаб турган эди».

Григорий Серпер мақоласи якунида «Агар сиз ўсишни хоҳлаётган янги шахматчи бўлсангиз, ўзбек гроссмейстерлари томонидан яратилган мумтоз усул ва замонавий шахмат классикасини ўрганинг», деб таъкидлайди.

*Эслатиб ўтамиз: chess.com веб-сайти шахматни онлайн ўрганиш ва дона суриш учун шахмат ижтимоий тармоғига эгалик қилувчи шу номдаги компания томонидан 2007 йилда ташкил этилган. Компания АҚШда жойлашган, 35 мамлакатда 400 нафардан ортиқ ходимларга эга. Бугунги кунда ушбу онлайн майдончада 100 миллионга яқин гроссмейстер ва шахмат ишқибозлари ҳар куни бир-бирлари билан мулоқот қилади, ўзаро фикр алмашади, машҳур гроссмейстерларнинг ўйинларини таҳлил этади.*

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН КЎЗ ОЧГАН БУЛОҚЛАР




*Маҳалламизда Умрқул ота деган нуроний бор. У киши қаҳатчиликни ҳам кўрган, уруш йилларидаги очарчиликка ҳам гувоҳ бўлган. Унинг айтишича, ҳеч бир замонда халққа қайишиш ҳозиргидек бўлмаган. Отахон бунга сабаб қилиб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқпарвар эканлигини айтади. "Табиат ҳар кимга бундай фидойиликни раво кўрмайди. Юртбошимиз оддий одамларнинг қалбини эгаллади. Доим уларнинг аҳволини ўйлаб, қарор қабул қилади. Катта-кичик раҳбарларни халққа хизмат этадиган қилиб қўйди. Ўз халқини чин юракдан севган, ардоқлаган инсонгина шундай ишларга бош-қош бўлади. Халқини ўйлаганни Ҳақ ҳам қўллайди. У кишидан ҳар қанча ибрат олсак, эргашсак, арзийди", дейди нуроний.*

## «Халқ сўзи» йўлланмаси билан

Ҳаётнинг пасту баландини, иссиғидан кўра совуғини кўп кўрган отахоннинг бу хулосалари бежиз эмас. Ватанини жон қадар севганларгина эзгуликларга, буюк ишларга қодир бўлади. Бугун учинчи Ренессанс, янги Ўзбекистон пойдевори қўйилмоқда. Тамал тошининг мустаҳкам бўлишига маънавий юксалишсиз, таълим ва тарбияга эътиборсиз эришиш мушкул. Ахир мамлакатнинг эртанги тақдири бугун вояга етаётган ўғил-қизлар қўлида. Уларнинг замонавий билим олишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилсагина кўзланган манзилларга етиш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, бугунги танланган йўл оқиллик, узоқни кўра билиш ифодасидир.

Аждодлардан мерос қадрият ва урф-одатларни улуғлаш, уларнинг муборак изидан бориш, ёшларга кенг имкон бериш, бошини силаш, одамларни эъзозлаш, халқнинг розилигини олишга интилиш — бу чин комиллик белгиси, аслида. Биз бугун ана шу етукликни, олиб борилаётган сиёсатда эса мукаммалликни кўряпмиз. Шу боис ишончимиз юксак, умидимиз улкан. Ишонч ва умид эртанги ёруғ истиқбол сари дадил одимлашга ундайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз ўз олдимизга мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш — барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

### Энг катта бойлик — маънавий бойлик

Шу ўринда юртнинг маънавий-маърифий қудратини юксалтириш ҳақида сўз борар экан, соҳада амалга оширилган тарихий ишлардан бирини эслашни жоиз билдик.

1997 йил. Ўша пайти Жиззах вилояти ҳокими бўлиб ишлаётган Шавкат Мирзиёев мамлакат маънавий ҳаётига дахлдор эзгу ишга қўл урди. Адабиётни, китобни қадрловчи, ижодга ташна қалбларни тўлқинлантирган бу ташаббус — республика ёш ижодкорларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Зомин адабий семинарининг ташкил этилиши эди. Шунга ҳам чорак аср бўлибди. Кечагина ушбу адабий мулоқотларда қатнашиб, қалами чархланганлар бугун юртимизнинг кўзга кўринган шоиру носирлари бўлиб, эл-юртга хизмат қилмоқда. Қанчадан-қанча истеъдод эгаларининг кашф этилишида, номлари мамлакат аро ёйилишида, шак-шубҳасиз, Зомин адабий семинарининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган.

Фахру ифтихор билан айтамизки, бугун бу борадаги ишлар янада кенг қулоч ёйиб, ижодкорлар пешонасига Ҳумо қуши қўнган десак, асло муболаға эмас. Зеро, сўнгги йилларда китоб ва ижод ҳақида, маърифат, таълим-тарбия хусусида кўп гапирилмоқда. Маънавий юксалиш борасида нима қилиш керак бўлса, ҳаммаси бажарилмоқда. Адабиёт, санъат, маданият жонкуярлари эъзозланмоқда, уларнинг юбилей саналари нишонланяпти. Қисқача айтганда, инсонни қадрлаш деган шиор амалда, ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда бўй кўрсатиб бормоқда.

Айниқса, ижод қилишга, қўлига қалам олиб, юрт корига ярайман, деганларга яратиб берилаётган шарт-шароитни ҳеч нарсага менгзаб бўлмайди. Пойтахтимизнинг қоқ марказидаги Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи боғнинг бутунлай янгича қиёфага киргани, унга туташ манзилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун муҳташам бино қуриб берилишининг ўзиёқ бу йўналишдаги ишларнинг нақадар улуғворлигини кўрсатади.

Ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар, аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Бинобарин, мамлакатимизда Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номлари билан аталган ижод мактаблари, "Темурбеклар мактаби", Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари очилгани юртимиз фарзандлари учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби ҳам ана шундай юксак ниятлар билан фаолияти йўлга қўйилган таълим масканларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил июнда Андижон вилоятига ташрифи чоғида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этиш таклифини билдирган эди. Шунга мувофиқ ўша йили июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилиниб, 11 декабрда мазкур мактаб очилган.

— Муҳаммад Юсуф халқимиз севган самимий шоир, ватанпарвар инсон эди. Сизлар унинг муносиб давомчилари бўлишингиз керак. Бунинг учун бир дақиқаям вақтларингизни беҳуда ўтказмай, кўпроқ ўқиб, тарихга уйғоқ боқиб, камолга етишларингиз зарур. Энг катта бойлик — маънавий бойликдир, — деган эди Президент ушбу мактабга ташрифи чоғида.

### «Эй, яхшилар, дунёда ортда қолган из яхши»

Халқимизнинг севимли шоири номи билан аталувчи ижод мактабини ўзини андижонликман деган етти ёшдан етмишгача бўлганларнинг барчаси яхши билишаркан. Фарғонадан ўтиб, Андижон шаҳрида жойлашган мазкур мактабга бораётганимизда, йўлда олтмиш-олтмиш беш ёшлардаги киши қўл кўтарди. Ҳам ҳамроҳ бўлади, қолаверса, мактабнинг аниқ жойини сўраб оламиз, дея йўловчининг ёнида тўхтадик. У салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашганидан кейин, муддаомизни билгач:

— Меҳмон экансиз, адашиб қолмаслигингиз учун ўзим бирга бораман ўша мактабга, — деди. — Ҳозир вилоятимиз бутунлай ўзгариб кетган. Бир йил олдин келган одам, шу кунларда яна бу ерга йўли тушса, керакли манзилни топишда иккиланиб қолиши мумкин. Чунки ҳар қадамда ободончилик, қурилиш ишлари авж олган. Ҳозир ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз. Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб ҳам ана шу янги иншоотлар қаторида. У ерга тез-тез бориб тураман. Раҳматли шоирнинг ёзган шеърларини оилавий яхши кўрамиз, ёд олиб айтиб юрамиз.

Ўзини Асқаржон Тоҳиров деб таништирган ҳамроҳимиз шундай дея Муҳаммад Юсуфнинг: "Эй, яхшилар, дунёда ортда қолган из яхши", деб бошланувчи шеърини ўқиб берди. Ўз юртининг зиёлисини, ижодкорини ҳурмат қилган, улар ҳақида катта ифтихор ва ғурур билан гапираётган ҳамроҳимизга йўл кўрсатгани, кайфиятни кўтаргани учун миннатдорлик изҳор этдик.

Мактабга кираверишда шоир ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи музей ташкил этилган. Музей экспонатлари жуда кўп бўлмаса-да, шоирнинг ўзига тегишли, ўзи фойдаланган буюмлар жамламасидан таркиб топган. Масалан: Марҳамат туманининг Қовунчи қишлоғидаги 25-умумтаълим мактабидаги Муҳаммад Юсуф ўтирган парта, унинг исм-шарифи ёзилган мактаб журнали, шоир кийган дўппи ва пальто, уй буюмлари шулар жумласидандир. Шунингдек, 1978 йилда ёш Муҳаммаднинг ҳарбий хизматдан онасига ёзган аскар мактуби ҳам музейнинг энг эътиборга молик экспонатларидан биридир. Соғинч мактубида қуйидагилар ёзилган: ***"Салом, онажон! Онажон! Ушбу хатни етти ухлаб тушимга кирмаган Хабаровскдан ёзяпман. Шунақа бўлиб қолди... Онажон, саломатмисиз, Матлуба, Мухаш, энамлар яхши юришибдими? Онажон, сиз-чи?***

***Мен саломатман, 6 ой курсантмиз. Ўқиймиз экан.***

***Умуман, армия ёмон эмас. Хизмат қилса бўлади. Хабаровскдан 30 км. узоқда училишидамиз. Бугун форма беришди (ярашди менга жуда). Мендан хавотир бўлиш йўқ. Биринчи марта сизлардан олисда юришим эмас-ку? Ўзбек болалар ҳозир 6 кишимиз. Ётоқ яхши, овқати ҳам зўр.***

***Отажон, мендан ранжиманг, бошқалардан ҳам. Шунақа бўлиб қолди. Случайно жўнаб кетдик. 15-куни самолётда жўнаб кетиб, 7 соатда Тошкентдан Хабаровскка келдик. Совуқ 8 — 10 даража. Ҳозирча яхши ҳавоси. Ғофур акамга, сўраганларга салом. Турсун энам, Ҳалима энамларга ҳам".***



Муҳаммад Юсуфнинг бундай самимияти унинг шеърларига ҳам кўчган. У қайси мавзуда ашъор битган бўлса, дилга яқинлиги билан ажралиб туради. Бугун унинг номи билан аталувчи мактаб ўқувчилари ҳам шоирга муносиб издош бўлиш мақсадида интилмоқда, маъқул сўз қидирмоқда. Бу интилишлар самарасиз кетаётгани йўқ.

### Муносиблик масъулияти

Билим даргоҳида умумтаълим фанлари билан бирга, она тили ва адабиётни чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилган. Синфхоналар, кутубхона, спорт зали, ётоқхона замонавий жиҳозланган. Бугунги кунда бу ерда 250 нафар иқтидорли йигит-қиз таълим олмоқда.

Президент таълим муассасалари агентлиги ташаббуси билан чоп этилган "Ижод боғидан гулдаста" шеърий китобида 12 нафар ижодкор ўқувчининг шеърлари нашр қилинди. "Энг яхши иншо муаллифи" танловида 10-синф ўқувчиси Д. Ҳабибуллаева 2-ўринни, 11-синф ўқувчиси М. Абдулҳаева 3-ўринни эгаллади. Ғолиблар агентлик томонидан планшет ва мобиль телефон билан тақдирланди.

Ўқувчиларнинг олаётган билимларини амалиётда қўллай олишлари ва янада чуқурроқ изланишларини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, профессор олимлар томонидан маҳорат дарслари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида қўшимча фан ва ихтисослик тўгараклари фаолият юритмоқда. Жумладан, "Компьютер графикаси", "Web-дизайн", "Бадиий таржима", "Журналистика", "Тасвирий ва рақамли санъат", "Ижодий", "Актёрлик маҳорати", "Тикувчилик", "Мусиқа" каби тўгараклар мавжуд.

— Ҳар бир мамлакатнинг қудрати, салоҳияти, имкониятлари нима билан белгиланади? Бу саволга ялпи ички маҳсулотнинг улкан ҳажми, саноатнинг юксак тараққиёти, катта даромади, ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатлари ва бошқа омилларни кўрсатиб жавоб бериш мумкин. Албатта, уларни асло инкор этиб бўлмайди. Шу билан бирга, давлатнинг қудрати ва салоҳияти ёшларга яратиб берилаётган имкониятларда ҳам яққол акс этмоқда, десак, янглишмаймиз, — дейди Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби директори Шоҳистахон Нурматова. — Мактабимизнинг умумтаълим мактабидан фарқи шуки, бу ерда она тили, адабиёт фанлари ҳамда чет тиллари чуқур ўргатилади. Синфларда ўқувчилар сони 20 нафарни ташкил этади. Индивидуал ишлаш учун шароит яратилган, машҳур адиблар, ёзувчилар, шоирлар томонидан мунтазам равишда маҳорат сабоқлари олиб борилади. Китобда, экранда кўринган таниқли ижодкорлар ўқувчиларимиз учун дарс ўтиб туришлари мотивация беради. Бу эса келгусида таржимон, журналист, лингвист олим, шоир, ёзувчи, дипломат бўладиган ўқувчиларимизнинг ватанпарварликни тарғиб қилувчи етук мутахассис сифатида шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришида билим, кўникма ва малакасининг давлат таълим стандартларига мослик даражасини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш мақсадида намунавий тест саволлари асосида 10 ва 11-синф ўқувчилари учун ҳар ойда тест синовларини ўтказиш йўлга қўйилди.

— Ҳеч бир ўқувчи эътибордан четда эмас, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Сардорбек Жалолдинов. — Уларнинг ҳар бири қизиқиши, иқтидорига қараб, тўгараклардаги машғулотларда қатнашади. Миллий мусиқа созларини чалишни, сурат чизишни, матолар тўқишни ҳам қойиллатадиган қизларимиздан ҳунармандчилик буюмларини гулдай қилиб ясаётган йигитларимиз ҳам қолишмайди. Энг муҳими, уларнинг ҳаммаси ижодкор.

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севара Назархоннинг Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтилувчи "Ватаним" қўшиғини ҳар куни эшитаман, — дейди мазкур мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси, "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиби Акмалжон Абдураҳмонов. — Ҳар гал эшитсам, кўзимда ёш ҳалқаланади. Қалбим жунбушга келиб, келажакда юртимга хизмат қиладиган инсон бўлиш ниятидаман. Бу ниятимга эришиш учун эса ҳамма шароит бор. Ота-онам: "Сизлар бахтли авлодсизлар, бизнинг пайтимизда бунақа кунларни орзу ҳам қилолмасдик", деб кўп айтишади. Бизнинг ёшимизда умри далаларда ўтгани, хазон бўлган ҳаёти ҳақида гапиришади. "Энди бор умидимиз сизлардан, сизларни ардоқлаётган, ўқитаётган Президентимизга мингдан-минг раҳмат", дейишади. Бу гапларнинг мазмун-моҳиятини чақиб, катта масъулиятни ҳис қиламан. Чиндан ҳам, биз бахтиёр ёшлармиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов шундай деган эди: "Муҳаммад Юсуф деган шоир шеъриятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди. Аммо у тезда, ҳаммани ҳайрон қолдириб, оғизга тушиб кетди. Унинг ижоди ҳақида гап кетганда, кўпинча қўшиқларини тилга оладилар. У қўшиқ ёзган ҳам, ўзини қўшиқчи шоир ҳисоблаган ҳам эмас. Унинг ёзганлари ниҳоятда долзарб мавзуда ўта жиддий, аммо халқ дилига жуда яқин ва равон тилда ёзилган. Шунинг учунми, ҳофизлар уларни қўшиққа солиб юрадилар. Бу қўшиқлар қўшиқчиликни ҳам баланд поғоналарга олиб чиқди. Қанча-қанча хонандаларни элга танитди. Муҳаммад Юсуф қўшиқлари билан эмас, аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди. Муҳаммаднинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзилганга ўхшаб туюлади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи? Қўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларини йиғлатади, кулдиради, ўз оғушига тортиб олади..."

Дарҳақиқат, шоирнинг қалбидан отилиб чиққан ҳароратли мисралар ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмайди. Кўз очиб ўсган диёрини, ота-онасини, яқинларини яхши кўрганлар учун Муҳаммад Юсуф шеърияти бир умр ҳамроҳ бўлиб қолаверади.

Шоир номи билан аталувчи мактаб ўқувчилари ҳам худди устозларига ўхшаб халқпарвар, миллатсевар, самимият ва одамийликни қадрлаган ижодкор бўлиб камолга етишни мақсад қилишган. Бу улуғвор ва хайрли ниятга эришиш, киндик қони томган тупроқни севиш, эзгуликни, умумбашарий қадриятларни тараннум этишга астойдил интилаётган ёшларга Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари илҳом, шижоат бермоқда. Масалан, ижод мактаби ўқувчиси Гулчирой Давронбекованинг қуйидаги шеърида ана шу руҳ яққол сезилади:

*Юрагим бир нима деяпти тинмай,*
*Балки ўксияпти ҳаётдан ҳар чоқ.*
*Мен эса қалбимга ҳеч парво қилмай,*
*Сен билан оввора, лолақизғалдоқ.*

*Япроғинг беланчак — ухлайди шудринг,*
*Эркалаб, аллалаб қиласан ардоқ.*
*Сен билан бўлсам-у, кўтарсам кўнглинг,*
*Илҳомим париси — лолақизғалдоқ.*

*Шоир Муҳаммадни ўйлаб ҳар куни,*
*Кўз ёшларинг дарё, қиласан оҳ-воҳ.*
*Усиз йўқолгандир умринг мазмуни,*
*Севги байроғисан, лолақизғалдоқ.*

*Шоир кетди, дея куйинма сира,*
*Тўймагай ҳеч қачон бу қаро тупроқ.*
*Сенга ошиқ қалблар муҳаббати-ла,*
*Сен гуллайверасан, лолақизғалдоқ.*

Демак, чексиз эътибор ва ғамхўрликдан кўз очган булоқлар бугун аста-секин ирмоқларга айланмоқда. Улар келгусида ҳам яратилган қулай шароитлардан унумли фойдаланиб, изланиб, интилиб, замонавий билимларни эгаллаб, ўз истеъдод ва маҳоратларини тинимсиз бойитиб, адабиётимизнинг катта дарёларига айланишига ишонамиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 13 735 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6